

e-mail: jurayev\_g@bk.ru

**Egamberdiev Nodir Abdunazarovich**

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti "Axborot texnologiyalarining dasturiy ta'minoti" kafedrasi katta o'qituvchisi

Tel.:(+99897)-715-01-88;

e-mail: nodir0188@mail.ru

#### **Method and algorithms based the computational estimates of solution task classification in medical pattern recognition**

The article describes the methodology and software based on the algorithms of computational algorithms for solving the problem of classifying definitions of medical symbols. The

problem of classifying patients with headaches, which is often found in neurological diseases in software diagnostics, was studied. At the first stage of the program, an informational field is formed, and at the second stage, the problem of classification is solved. For headache disorders, a class of information was developed that is specific to the diagnostic class in order to determine the significance of the chosen diagnosis and the decisive principle of determining which object is similar to the unknown.

**Keywords:** logo definition, distance and proximity functions, estimation algorithms, classification, informative symbols.

УДК 0-12-437552-9

**Р.Х. Насимов, К.Э. Шукров, Г.А. Жўраева**

### **КАРДИО-МОНИТОРИНГ ТИЗИМИ УЧУН АППАРАТ-ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Юрак уриши, тана ҳарорати ва қон босими инсон танасининг энг муҳим параметларидан биридир. Тиббиёт мутахассислари турли хил тиббиёт ускуналари ёрдамида ушбу параметларни ўлчаш ўйли билан турли касалликларни таҳлил қилишлари ва ташхис қўйишлари мумкин. Ушбу мақолада масофавий кардио-мониторинг тизимини ишлаб чиқиш жараёни муҳокама этилади. Бундан ташқари, Bluetooth модули ёрдамида беморларнинг электрокардиограммаларини масофадан мониторинг қилиш жараёнлари амалга оширилиши кўрсатилган.

**таянч иборалар:** ЭКГ тизими, Bluetooth модули, микроконтроллер, мониторинг тизими, AD8232 модули, электрокардиография.

Сўнгги йилларда ҳар бир иқтисодий соҳада кундалик фаолият ва турли жараёнларни мониторинг қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолашга бўлган талаблар долзарб бўлиб бормоқда. Шу сабабдан ҳам, телекоммуникация бозорида мониторинг қилиш учун сони, тури, ўлчами, талабга кўра имкониятлари, нархи ва химояланганлик даражаси турлича бўлган технологияларнинг сони ортиб бормоқда. Бундай тизимларни Интернет ва симсиз технологиялардан фойдаланиб бошқариш, назорат қилиш ва мониторинг қилиш учун турли ечимлар, имкониятлар ва воситалар ишлаб чиқилган [1-3].

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида Интернет технологиялари, портатив ва рақамли курилмаларнинг кенг ривожланиши натижасида масофадан таълим олиш, мультимедияли ахборотларнинг алмашиниши, янги хизматларни фойдаланувчиларга тақдим этиш, тўловларни амалга ошириш, электрон хужжат алмашиниши ва тиббиёт хизматларни тақдим этиш учун мос инфратузилма ишлаб чиқилди.

Ҳар бир соҳада ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)ни самарали қўллаш билан мониторинг мақсадлари учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган кўплаб курилма ва дастурий воситалар охирги йиллarda тобора оммалашмоқда. Натижада илгари амалга оширилган бაъзи мураккаб ва нокулай вазифаларни бажариш айни вақтда анча осонлашди. Ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган мониторинг тизимлари ёрдамида ҳар бир жараённи сифатли, тартибли ва самарали бошқариш имкониятлари ишлаб чиқилди. Ана шундай ижобий ўзгаришлар тиббиёт соҳасида ҳам юз бермоқда.

Айни вақтда АКТ технологияларидан фойдаланиб тиббиёт соҳасининг етук мутахассислари билан инсонларни исталган жойдан ўзаро мулокотини таъминлаш амалга оширилмоқда. Натижада турли технологияларга асосланган масофавий мониторинг

тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва соғлиқни саклаш соҳасида бу воситаларга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Соғлиқни саклаш соҳасида АКТни қўллаш билан, врачлик пунктларидан узок масофадаги инсонлар, сурункали касаллиги бор беморлар, спортчиларнинг фаолиятини ва бошқа мақсадли фаолиятларни амалга ошириш учун мониторинг тизимларидан фойдаланиш замон талабига айланиб улгурди. Амалга оширилаётган шу каби фаолиятлар жумласига кардио-мониторинг тизимларини яратиш, мутахассис шифокорлар билан беморларни масофадан туриб алока қилиш ва юрак касалликларига масофадан ташхис қўйиш имкониятларини ишлаб чиқиш ёки муқобил эксперт тизимларини яратиш жараёнларини келтириш мумкин.

Инсоннинг юрак уриши ҳолатини таҳлил қилиб касаллигига ташхис қўювчи курилма ва дастурий воситаларга бўлган қизиқиши ортиб бориши билан, хизмат таннархининг арzon бўлиши учун йирик ишлаб чиқарувчилар кенг кўламли ишларни амалга оширишмоқда [2]. Айни вақтда тиббиёт соҳасида Bluetooth протоколига [3] асосланган Android [4], iOS, веб ва бошқа турдаги гаджетларда соғломлаштириш платформалари кенг жорий этилаётган. Охирги йиллarda телекоммуникация бозорида талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, соғлиқни саклаш соҳасида мониторинг тизимлари симли, симсиз ва гибрид технологияларга асосланган холда кенгайди.

Масофадан тиббиёт хизматларини тақдим этиш ҳолати биринчи марта XX асрда кузатилган бўлса [5], глобал миқёсида Интернет инфратузилмасининг кенг тадбиқ этилиши туфайли масофадан тиббиёт хизматларини тақдим этиш имкониятлари ривожлантирилди ва бу хизматлар учун мос платформалар яратилди. Масофавий тиббиёт хизматлари куйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- масофадан мониторинг қилиш;
- саклаш ва узатиш;

- реал вақтда интерфаол хизматларни күрсатиши;
- мобил согломлаштириш хизматлари.


Айни вақтда маълум турдаги тиббиёт хизматлари реал вақтда веб иловалар орқали фойдаланувчиларга хизмат провайдерлари томонидан тақдим этилмоқда. Хусусан, кардио-мониторинг тизими маълумотларига асосан юрак касалликларига ташхис қўювчи усусларни ишлаб чиқишига ва эксперт тизимларини яратишга бўлган эҳтиёж оммалашди [6].

АКТ ходимларининг сай-харакатлари билан тиббиёт соҳаси мутахассислари масофавий мониторинг тизимлари орқали нафакат реал вақтда беморларни мониторинг килишлари, балки қайта ишланган ва сакланган маълумотлардан фойдаланиб, юрак касалликларига ташхис қўйишлари ҳам мумкин. Шу кунга кадар амалиётда бу каби тизимлар турли тадқикод марказларида синов жараёнларидан самарали ўтказилди [7]. Шу билан бирга, замонамизнинг долларб бўлиб бораётган юрак касалликларини, масалан, электрокардиограмма сигналларини ва қон босими кабиларни, масофадан мониторинг килиш имкониятлари ишлаб чиқилди [8].

Бундай тизимларнинг таркибida сигналларни қабул қилиш ва узатишга мўлжалланган модуллар алоҳида яҳамият касб этади. Қўйида юрак уриши тезлигини ўлчашиб максадлари учун AD8232 модулидан фойдаланиб масофавий кардио-мониторинг тизими учун ишлаб чиқилган функционад блок таъриланган. Сенсор ва дастурий иловани ўзаро алоқасини таъминлаш учун Bluetooth HC-06 технологиясидан фойдаланилди. Таклиф этилаётган мониторинг тизими орқали қўйидаги хизматлар таъминланади:

- Электрокардиография (ЭКГ);
- Юрак уриши тезлиги;
- Масофадан мониторинг килиш.

Тизим архитектураси, 1-расмда тасвиrlанганидек, электродлар, микроконтроллер, AD8232 ва Bluetooth модулларидан ташкил топган. Маълумки, ЭКГ тизими айни вақтда тиббиёт соҳасида ташхис қўйиш жараёни ёки машқ жараёнларига спортчиларнинг юрак уриши тезлигини баҳолаш ёки умуман юрак қон-томир тизимининг функционал ўзаришларини кузатиш имкониятларини беради.



1-расм. AD8232 асосида кардио-мониторинг тизими

Юрак мускуллари ишлаб чиқарадиган кучланишдаги кичик ўзаришларни аниқлаш орқали, ЭКГ сигналлари юрак фаолиятини визуал тасвиrlайди. Юрак уриши тезлигини давомий мониторинг килиш билан, юрак касалликларига алоқадор маълумотларни тўплаш, тахлил килиш ва ташхис қўйиш мумкин. Бундай имкониятларни тўғри, тартибли ва сифатли амалга ошириш учун албатта кардио-мониторинг тизимини талаб даражасида ишлаб

чикиш лозим, акс ҳолда ташхис қўйишда жиддий хатоликларга йўл қўйиш мумкин.


Таклиф этилаётган масофавий кардио-мониторинг тизимининг архитектурасининг умумий қўриниши ва унинг элементларининг ўзаро боғланиши 1-расмда келтирилган. Тадқикот ишида микроконтроллер блокини лойиҳалаш учун Arduino nano стандарти танланди ва аналог сигналдан ракамли қўринишига ўзгартириш жараёни C++ дастурлаш тилидан фойдаланиб, амалга оширилди.

AD8232 модули фитнес ва турли фаолиятдаги жараёнларда юрак уриши тезлигини ўлчашиб, портатив ЭКГ тизимини яратиш, масофали кардио-мониторинг тизими ва танадаги биопотенциалли сигналларни ўлчашиб учун маҳсус интеграллашган сигнал блоги ҳисобланади. Бу модул кичик ўлчамга эга биопотенциалли сигналларни шовкинли ҳолатларда ҳам қайта тикалашиб, кучайтириш ва фильтрлашиб учун маҳсус лойиҳалаштирилган. Шунингдек, AD8232 модули кичик кувватдаги аналог-рақамли ўзгартириш имкониятини қўллаб кувватлади. Ушбу модулнинг тўлиқ имконияти ва тавсифларини [9] орқали олиш мумкин.

AD8232 модулиниг электродлари сони уч каналли сенсорга асосланган бўлиб, бу электродлар биомедицина сенсорлари сифатида маҳсус ишлаб чиқилган. Тадқикот ишида танланган Bluetooth модули илова дастурий билан контроллерни ўзаро боғлашиб учун фойдаланилди. Шунингдек, Bluetooth модули микроконтроллердаги C++ дастурини ишга тушириш учун буйрукларни қабул килади ва маълумотлар микроконтроллердан илова дастурига симсиз қўринишида узатилади.

Маълумки, инсон юраги тўрт бўлмадан ташкил топган: чап ва ўнг атриумлар, ҳамда чап ва ўнг коринчалар. Юрак орқали тана бўйлаб узатилган кон оқимининг тўлиқ бир марта айланиши даври бир ЭКГ сигнал циклига тенг, яъни P, Q, R, S, T ва U тўлқинлари бир марта айланиши даврига тенг. Шунингдек, бу тўлқин кетма-кетликларига содир бўладиган амплитуда ва вақт оралигининг ўзаришларини ЭКГ сигналлари орқали аниқлашиб ва ўлчашиб жараёнлари натижасида турли юрак касалликларига ташхис қўйиш мумкин [10]. Энг кўп тиббиёт ташхислар – RR, PR, QT ва QRS комплекси орқали амалга оширилади. Амалда U тўлқин амплитудаси паст тебранишига эга бўлгани сабабли (баъзи касалликлarda қўриниши мумкин), кўп ҳолларда электрокардиограммани баҳолашда U тўлқин ҳисобга олинмайди. Телекоммуникация технологиялари бозорида мавжуд аксарият портатив курилмалар, веб ва мобил иловалар QRS комплексига асосан юрак уриши тезлигини аниқлайди ва ташхис қўйиш ҳам QRS комплекси ўзаришларига қараб амалга оширилади [11]. Шунинг учун ҳам, соҳа мутахассислари томонидан бундай воситаларга асосланниб юрак касалликларига ташхис қўйиш жараёни хар доим муқобил тизим сифатига қаралган. Сабаби бу каби воситаларга асосан кардиограммани олиш ва касалликка ташхис қўйиш соғлиқни сақлашиб стандартлари талабига тўлиқ мос келмаслиги мумкин.


Таъкидлаб ўтиш лозимки, инсоннинг юрак уриши холатлари бир-бирига ўхшамаган ва бир-бирини тақрорламаган ҳолда бўлади, яъни ҳар бир инсон ўзининг юрак уриши этalonига эга. Юрак уришининг турли ҳолати (мезёрий, тез, секин, ноадатий) кардио-сигналларига намоён бўлади ва касалликка ташхис қўйиш қабул килинган кардиограммага асосан амалга оширилади.



2-расм. Териға ЭКГ сенсорларини жойлашиши

Күпинча, согликни сақлаш мұассасаларда мутахассис шифокорлар томонидан 12 каналлы ЭКГ тизимиңдан көнг фойдаланылади. Портатив мәксадлари үчүн 3 каналлы тизимлардан фойдаланиш күлай, осон ва мобиллийкін күләлд күвватлайды. Шунингдек, AD8232 нинг кичик ва күлай чип күренишида ишлаб чиқылған мобиллийкін тақдым этади. Бунда, имкон кадар кардиограммани анық ва сиғатты олиш үчүн электродлар юрак атрофияда учурчак шаклида жойлаштирилиши лозим. Тадқыот ишидаги натижалар, 2-расмда көлтирилгани каби, терида сенсорларнинг жойлашувига мос қолатда олинди.

ЭКГ электродлары кичик ўзғарыштарни (хар бир юрак уриши давомида деполаризацияция ва реполаризацияланишнинг электрофизиология шаклида юзага келдиган) аниклаш имкониятiga эга. Кардиомониторинг жараёнда олинган ЭКГ сигналлары хар доим жуда шовқынның күренишида юзага келгандылық сабаблы, маҳсус фильтрлар ёрдамида ЭКГ сигналы ажратып олинади.




3-расм. Visual Studio 2012 мұхитида яратылған дастурнинг интерфейси

Юқоридаги 3-расмда Visual Studio 2012 мұхитида яратылған дастурнинг асосий боғланиш ойнасы көлтирилған. Дастурнинг асосий менюси ёрдамида COM портлар рүйхатидан олдиндан созланған боғланувчи порт рәқами таңланади, COM порт рүйхатини “Боғланиш” ва “Яңгилаш” тұгмалари орқали бөшкәриш мүмкін. Шунингдек, “Боғланиш” тұгмаси ёрдамида COM порт терминалға уланишни амалға оширади ва “Яңгилаш” тұгмаси дастурни қайта юкланишини таьминлады. Уланиш тури панели орқали “USB” ва “Bluetooth” тұгмалари ёрдамида микроконтроллер билан уланиш амалға оширилади.

Bluetooth модули орқали шахсий компьютер билан микроконтроллерни уланиши ва дастурни ишга тушириш жараёни 3-расмда көлтирилған. Ойнанинг юкори кисмидаги COM6 портига жұнатыладын мәълумоттар күрінса, COM6 портининг боғланиш тезлигини ўзгартыриш ойнанинг пастки кисми орқали амалға оширилади. Мәълумотларни алмашиш жараёни ойнанинг ўрта кисміда бажарылади.

Күйидеги 4-расмда микроконтроллер узатылған ЭКГ сигналларининг дастурый иловада визуал ҳолати тавсирланған. Дастурда COM6 порти чикувчи ва COM7 порти ки्रувчи маълумот алмашиниши жараёни үчүн таңланди.



4-расм. Дастан интерфейсіда ЭКГ сигналы

Ушбу тизим вақт доменида AD8232 модули орқали ЭКГ қаторларини олиш ва таҳлил килиш үчүн таклиф этилди. Шунингдек, бир дақика давомидаги юрак уриши сонини ўлчаш ҳолати QRS комплексінде асасан амалға оширилди. 4-расмда олинган бир дақикада юрак уришлары сони көлтирилған.

### Хулоса

Ушбу мақолада ўлчамы кичик ва күлай, портатив мәксадлары мүлжалланған кардио-мониторинг тизимини ишлаб чиқыш жараёни мухоказа этилди. Таклиф этилаёттан тизим тиббиёт пунктларыдан узқода яшовчи ахоли ўртасыда юрак касаллукларини мониторинг килиш ва касаллукларға ташхис күйиш мәксадлари үчүн лойихалаштирилди.

Кардио-мониторинг тизимини тараб даражасыда ишлаб чиқыш үчүн күйидеги масалаларни ҳал этиш мәқсадға мұвофиқиді:

- Олинган сигналдардың QRS комплексининг стандартта мұвофиқиғини таьминлаш;
- Сигналларни тармоқ орқали узатыш мұаммоларни ҳал этиш;
- Сигналларни узатыш жараёнида уларни сиқиши ва қайта тиқлаш масалалары;
- Сигналларни күшімчы параметрларини хисоблаш.

### Адабиёттапар

1. S. Led, J. Fernandez and L. Serrano, “Design of a wearable device for ECG continuous monitoring using wireless technology”. -USA, 2004.-3318p.
2. Wong Kiing-Ing, “A light-weighted, Low-cost and wireless ECG monitor design based on TinyOS operating system”. -Tokyo.-2007.-165p.
3. C. Rodriguez, S. Borromeo, “Wireless ECG based on Bluetooth protocol: design and implementation”. -Greece. -2006. - 48p.
4. Prerana N Gawale, “Android application for ambulant ECG monitoring”, IJARCCE journal. -2014.-6465
5. Strehle EM, Shabde N. One hundred years of telemedicine: does this new technology have a place in paediatrics? Archives of disease in childhood.-2006.-956p.
6. G.Clifford, F.Azuaje, “Advanced Methods and Tools for ECG Data Analysis”. -UK. -2006. -27p
7. D. Gawali and V. Wadhai, “Implementation of ECG sensor for real time signal processing applications”. -2014. -18p.
8. F.Marques, D.Ribeiro, “A real time, wearable ECG and blood pressure monitoring system”. - USA. -2011. -215p.
9. [www.analog.com/en/products/ad8232.html](http://www.analog.com/en/products/ad8232.html)
10. W.Liang, Sh.Hu, “A Real-time cardiac arrhythmia classification system with wearable electrocardiogram”. - China. - 2011.-102p.
11. B. Kohler, C. Hennig, “The principles of software QRS detection”. -2002. -42p.

**Насимов Рашид Ҳамид ўғли**

ТАТУ, Компьютер тизимлари кафедраси асистенти

Тел.: +998 (99) 876-76-16

Эл. почта: [rashid.nasimov@gmail.com](mailto:rashid.nasimov@gmail.com)**Шукуров Қамолиддин Эльбобо ўғли**

ТАТУ, Компьютер тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси

Тел.: +998 (90) 940-04-41

[keshukurov@gmail.com](mailto:keshukurov@gmail.com)**Жўраева Гўзал Абдуманнон қизи**

ТАТУ, Телекоммуникация технологиялари факултети талабаси.

Тел.: +998 90 323 97 23

[jurayeva@gmail.com](mailto:jurayeva@gmail.com)**R.H.Nasimov, K.E.Shukurov, G.A. Jurayeva**

УДК 519. 688

**SH. A. Toirov, I.N. Ochilov****STRUCTURE OF OPERATORS OF QUANTUM ALGORITHMS**

**Abstract:** The article (paper) proposes the structure of operators of quantum algorithms, its mathematical and schematic representation. The general structure of the universal quantum algorithm in the form of diagrams is realized in the article (paper). The diagram presents the main elements, their properties, functions of the quantum algorithm. Each block of the schematic diagrams are decomposed of successive processes and stages of quantum algorithms.

**Keywords:** Quantum algorithm, entanglement, superposition, quantum computation, interference, Hadamard operator, quantum block, unitary matrix.

**Introduction.** At present, active research and physical realization of a quantum computing is conducting in the world. Prototypes of computing devices have already been built in different parts of the world at different times, but there is not yet a full-fledged quantum calculator that simulates quantum computing on a computer with a classical architecture in order to study and further design a quantum calculator.

The result of the quantum algorithm is of a probabilistic nature. Due to a small increase in the number of operations in the algorithm and to maximize the entanglement of qubits, can be arbitrarily approximate the probability of obtaining the correct result to unity [1].

### 1. Functions and types of quantum operators in designing quantum algorithms.

The process of designing a quantum algorithm consists of a matrix form of the representation of three operators [2] [3]. Superposition (S), quantum entanglement [2] (entangled states) ( $U_F$ ) and interference (Int). In general, the structure of the quantum algorithm, as the basis of quantum computation, can be represented as following

$$QAY = [(\text{Int} \otimes^n \text{Id})^* U_f]^{h+1} * [^n \text{H} \otimes^m \text{S}] \quad (1)$$

Where  $\text{Id}$  is an identical operator,  $\otimes$  symbol is a tensor product; S is an operator of superposition and finally, H is a Hadamard operators.

In Fig. 1 describes the structure of the operators of quantum algorithms, equivalent to the expression. The input of the quantum algorithm is always given a binary function f. This function is represented as a mapping that divides the image of each input binary string. First, the function f is coded as a unitary matrix operator  $U_F$  that depends on f function properties. The resulting matrix operator  $U_F$  is included in the structure of a cable cell, a unitary matrix whose structure depends on the  $U_F$  matrix and on the problem that the algorithm must solve [1].

**Development of hardware-software for cardiac-monitoring systems**

Heartbeat, body temperature and blood pressure are among the most important parameters of the human body. Medical specialists can analyze and diagnose various diseases by measuring these parameters with the help of various medical equipment. In this article, the process of developing a remote cardiac-motoring system has discussed. In addition, using the Bluetooth module an implementation of the procedure for remote monitoring of the patient's electrocardiogram is presented.

**Keywords:** ECG system, Bluetooth module, microcontroller, monitoring system, AD8232 module, electrocardiography.




Fig. 1. Structure of operators of quantum algorithms.

The superposition contains all the information needed to solve a specific task/problem. Due to the superposition creation, a measurement operation is performed to extract the information. Consecutive use of the quantum operator and measurement of the result characterizes the quantum block. It is executed k times to derive a set of basis vectors. This measurement is not a deterministic operation, therefore the resulting basis vectors will be different. Therefore, each of them will contain only a part of the information needed to solve a particular task/problem [4].

**2. General structure of the quantum algorithm**

Schematic diagram of the simulation of a quantum algorithm operation on a classical computing device is illustrated in Fig. 2. The quantum block in this figure performs the alternate application of the quantum operator and the measurement of the result. It is executed n times to obtain a set of basis vectors. Since measurement is not a deterministic operation, the resulting basis vectors will be the same, and each of them will contain only a part of the information needed to solve the problem [5].